

УДК : 613.62 : 677 : 616.31 : 61 : 681.3

**САНОЪАТ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИГА СТОМАТОЛОГИК
ОРТОПЕДИК ЁРДАМ КЎРСАТИЛИШИДА ЎЗИГА ХОС ЁНДОШУВЛАР
ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ИМКОНИЯТЛАРИ
(АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ)**

**С.А.Гаффоров,
Д.Р.Мўминова,
М.И.Гаффорова**

Тиббиёт ходимларининг касбий
малакасини ривожлантириш маркази,
Тошкент давлат стоматология институти.

АННОТАЦИЯ

Мақолада Республика сановати корхоналаридаги меҳнат шaroитида ишчиларнинг саломатлигига, жумладан оғиз бушлиги туқима ва аъзоларига салбий таъсир этувчи омиллар, стоматологик профилактика, даволаш, тиш каторларидаги нуқсонларни бартараф этишида кулланиладиган турли конструкцияли ва хом-ашёдан тайёрланган протезлардан фойдаланишнинг ахамияти тугрисида олиб борилган тадқиқотларнинг тахлилий хулосалари тугрисида фикр юритилади. Иш уринларида мавжуд кимёвий, физик, биологик ва гигиеник омиллар нафакат оғиз бушлиги (ОБ) аъзо ва туқималарига, балки сунъий тиш протезлари ва пломба ашёларининг сифатига ҳам салбий таъсири тугрисидаги тадқиқот натижаларига таяниб замонавий рақамли технологиялардан протез маҳсулотлари таркиби ва конструкциясини яхшилашга қаратилган илмий изланишлар долзарблиги такидланган.

***Калит сўзлар:** Оғиз бўшлиги аъзолари, тиш қатори нуқсонлари, прикус, протезлар, рақамли технология (CAD/CAM), сўлак, оғиз суюқлиги, кимёвий моддаларнинг салбий таъсири.*

Тадқиқот мақсади: турли сановат корхоналаридаги ишчиларда тиш қатори нуқсонлари этиопатогенетик ва функционал-структур жароҳатларини бартараф этиш мақсадида рақамли технологиялар ёрдамида сунъий тиш протезлари ҳамда хом-ашёларни физик, кимёвий, биологик ва клиник хусусиятларини мукамаллаштириш учун илмий тадқиқот услубиятини режалаштириш.

UDK : 613.62 : 677 : 616.31 : 61 : 681.3

**THE POSSIBILITIES OF USING SPECIFIC APPROACHES AND MODERN TECHNOLOGIES IN THE PROVISION OF DENTAL ORTHOPEDIC ASSISTANCE TO WORKERS OF INDUSTRIAL ENTERPRISES.
(BIBLIOGRAPHY)**

**S.A.Gafforov,
D.R.Muminova,
M.I.Gafforova**

Professional of medical personnel
Center for qualification development,
Tashkent State Dental Institute.

ANNOTATION

In the article there is an opinion about the analytical conclusions of the researches on the importance of the use of prostheses of different constructions and raw materials, which are used in dental prevention, treatment and elimination of defects in the tooth rows, in the working conditions of the industrial enterprises of the Republic on the health of workers, including the factors that have a negative effect on the tissues and organs of the oral cavity. Based on the results of the research on the negative effect of chemical, physical, biological and hygienic factors in the workplace not only on the organs and tissues of the oral cavity (OC), but also on the quality of artificial dental prostheses and filling materials the relevance of scientific research aimed at improving the composition and construction of prosthetic products using modern digital technologies is emphasized.

Key words: Oral cavity organs, tooth row defects, biting, prostheses, digital technology (CAD/CAM), saliva, oral fluid, side effects of chemicals.

The purpose of the research: to plan a scientific research methodology to improve the physical, chemical, biological and clinical properties of artificial dental prostheses and raw materials using digital technologies in order to eliminate etiopathogenetic and functional-structural injuries of tooth row defects in workers in various industrial enterprises.

Долзарблиги. Маълумки, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва янги хом-ашёларнинг пайдо бўлишига қарамай, маълум миқдордаги беморлар олиб кўйиладиган протезлардан фойдалана олмаслиги, беморлар ҳаёт сифатини пасайтиради [2]. Салбий ҳолатларнинг асосий

сабаблари ўткир суяк қирралар ва протез остида жумладан, торус соҳасида доимий оғриқлардир. Суяк хосилаларини чегаралаш усуллари кўпгина олимлар [17] томонидан ёритилган, бироқ, ҳозирги кунгача юмшоқ пластмассада таглик сифатида фойдаланиб беморнинг фаровон ҳаётини таъминлайдиган самарали чегараловчи оқилона усуллари ишлаб чиқилмаган. Шунингдек катор кимёвий бирикма хом-ашёларини таркиби, уларни тайёрлашдаги технологик жараёнлар ва тайёр протезлардан фойдаланиш жараёнида инсон организмига, айниқса оғиз бўшлиғи шиллик каватида (ОБШК) токсик-аллергик салбий жароҳатлари булмаслиги ҳозирги кунда ечимини кутаётган муҳим муаммодир. Хом-ашёларни сифатини текширишда ва амалиётда тайёрланиш технологияларини мукамаллаштиришда; жумладан, «Villaril H Plus», «Polident Pink», «Next Dent Materials Denture» ва бошқа катор маҳсулотларни устунлик томонларини аниқлаш ҳам муҳимдир, жумладан; олиб кўйиладиган протезларни тайёрлашда хом-ашёларнинг физик-механик хусусиятларини аниқлаш – хом-ашё ёрилиши, сиқилиши ва статистик эгилиши учун синов натижалари, анъанавий ишлаб чиқариш усулида ишлатиладиган материаллар, 3D бомаси ва компютерни фрезалаш орқали протез тайёрлашдаги хом-ашёга нисбатан салбий кўрсаткичларни тасдиқлади [2, 17].

Шунингдек, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошланиш даврида экологик муаммоларнинг етиб бормаган на қуруқлик, на океан ва на космик фазо қолмади. Илмий адабиётларда келтирилишича, космосни ўрганиш, узлуксиз ракеталарни, космик кемаларни учуриш фазони ҳам чиқиндилар билан ифлосланишига ва экологик ноқулай муҳитни юзага келишига сабаб бўлади [6]. Замонавий илмий адабиётларда; экологик омиллар тирик организмга қуйидагича таъсир келтириб утилган; - айрим турларни маълум ҳудуддан сиқиб чиқаради ва уларнинг жўғрофик жиҳатдан табиий тарқалишининг ўзгаришига олиб келади; - ҳар хил турларнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатиб, уларнинг кўпайиши ва нобуд бўлишини ўзгартиради, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, популяцияга ва биоценозга таъсир қилади; - организмнинг ўша муҳитига мослашиб, яшаш жараёнларининг хусусиятларини издан чиқаради.

Абиотик омиллар; кимёвий (атмосфера, сув, тупроқ, бирикмалар ва лойқа), физик ёки иқлим (ҳарорат, босим, ёруғлик, намлик, ёнғин, шамол) бўлиниши мумкин. Инсоният тарққиёти, саноат ривожланишига, қурилиш ишларига ва шаҳарларнинг пайдо бўлишига, уларнинг ривож топишига, ўсишига, шаҳар аҳолисининг кўпайишига, табиат билан жамият ўртасидаги алоқадорликнинг тараққий этиши янги турдаги ўзаро муносабат қонуниятларини вужудга келтиради. Масалан, гигиена фани ривожланиши ва ижтимоий-сиёсий жамият учун долзарб аҳамият касб этиб бориши - ташқи атроф-муҳитнинг кишилар

соғлигига, уларнинг меҳнат қобилиятларига таъсири ўрнини ортиб бориши билан изоҳланади; ёки инсон организми учун “меъёрий шароити” - ҳаёт кечириши учун гигиеник талабларга тўла жавоб бера оладиган ташқи атроф-муҳит, ўзгаришлар, организм мосланувчанлик қобилияти, унинг атроф-муҳит омиллари билан муносабатида акс этади. Айниқса, инсоннинг антропоген фаолияти - меҳнатида янги технологик жараёнлари, организмга салбий таъсири, инсоннинг мослаша олиши, организмнинг жавоб реакциясида касаллик кўрсаткичлари акс этиши катор илмий тадқиқотларда урганилган [4, 5, 7].

Адабиётларда, хавонинг ҳаёт учун энг керак бўлган таркибий қисми оксиген 20,9% ҳажмида бўлиши, уни 14%ча камайиши организмда сезиларли салбий ўзгаришга сабаб булиши; азот миқдори нафас оладиган ҳавода 78% ҳажмда булиши; карбонат ангидрид газ (CO_2) - 0,03%дан ошмаслиги; сульфид ангидриди олтингуурти (SO_2) 0,002-0,003 мг/л миқдори кўз, ОБШК, юқори нафас йўллари шикастлаши йди. Сурункали захарланиш ҳолатларида юқори нафас олиш йўллари яллиғланишига сабаб булиши такидланган [6, 9, 18].

Бошқа муаллифлар [8, 13] ернинг 0,5 смли қаватида, автомобиллар йўли ёқасидаги 15-17 метрли масофада 1 кг тупроқда 600-1000 мг темир оксид, 20 гр рух, 0,20 мг кўрғошин, кадмий, 3,4 халқали бензапирен миқдори 50 мг, 1 кг дарахт баргида 10 гр олтингуурт оксиди йигилишини такидлашган.

Республикамизда саноат корхоналари ривожини охириги йилларда сезиларли ижобий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда, масалан, биргина кимё саноатининг салоҳияти - 1997 йилда умумий маҳсулот 98,3% дан - 2007 йил 118,1% га, кимёвий синтетик тола ва ип саноати 1997 йилда 41,1% дан 2006 йилда 111% га ўсиши, кейинги 2020 йилларда келиб ялпи ички маҳсулотининг 50% ортиқ улушини ташкил этиш, айти сохага банд аҳоли сонинг хам 100 мингдан устига олиб келди, ёки, нефть-газ ишлаб чиқариш корхоналари - “Ўзбекнефтгаз” ДХКнинг қатор тармоқлари “Ўзнефтмаҳсулот”, “Ўзтрансгаз”, “Ўзнефтегазмат”, “Нефтгаз”, “Ўзгеобурнефтегаз” ва бошқалар кейинги йилларда юқори суръатларда ривожланиб, республикамиз иқтисодиётида муҳим ўринларни эгаллаб бормоқда (ЎзСтатистика 2018 й).

Муаллифлар [7, 12, 14] кимё корхоналарида; фурфурол, фуран, тетрогидрофуран, фурил спирти, тетрегидрофурил ва этил спирти, ксилитлар, оксиген, азот сополимерлар, фенол-фармальдагидли смола, катализаторлар, ем ачитқилари ишлаб чиқарадиган заводларда ОБШК тўқималарига салбий таъсири, стоматологик касалликларни ташхислашда, даволашда ва олдини олишда касалликнинг патогенитик механизмларига асосланган усулларни ишлаб чиқилиб, самарали натижаларни қайд этилган.

Фарғона кимёвий фуран бирикмалари заводи атмосфера ҳавосида фурфурол – 4,7 мг/м³, фурил спирти – 1,6 мг/м³, сирка кислотаси – 2,1 мг/м³, метонал – 6,7 мг/ м³, азот диоксиди – 69,3 мг/ м³ аниқланган, айрим ҳолатларда санитария-ҳимоя зонасидаги ҳавода фурфурол – 5,6 марта, сульфат кислота буғлари – 5,8 марта, азот диоксиди РЭМ дан 35 марта кўп топилди.

Кимёвий синтетик тола ишлаб чиқарувчи цех ҳавосида, зарарли омиллар билан ифлосланиш - ацетон 347,1 мг/м³; меъёрдан 23% кўплиги; ацетон – 11% гача, сульфат кислотаси аэрозоли 6,3%, капролактама - 96,4% меъёрдан ошган кузатилган.

“Навоийазот” бирлашмаси ишчиларининг стоматологик ҳолатини [3, 12] урганиш натижалари, ишчилари орасида пародонт касалликларининг клиник структурасида - пародонтит – 51,8%; пародонтоз – 7,9%; ОБШК - 29,3% жумладан, лейкоплакия –7,65%, лейкокеретоз – 6,12%; хейлит – 7,5%; тил касалликлари – 5,73% ни ташкил этишини такидлашган. Ҳаво ҳарорати – 21-24°С, намлик – 55%з; ҳаво ҳаракати тезлиги атига - 0,1 м/сонияни ташкил этганини курсатиб утишган. Натижада муаллиф; - “Навоийазот” ишчилари орасида ОБШК, тишлар, лаб ҳошиялари касалликлари кўп учрашига сабаб, цехларидаги меҳнат шароитидаги мавжуд зарарли омиллардир, оқибатда сунъий тиш протезларига муҳтожлик юқори даражадалигини курсатиб утишган.

Муаллиф [3, 8, 9] енгил саноъати корхонаси ишчиларида ярали-некротик стоматитлар кўп ҳолатларда йўлдош хасталиклар билан бирга кузатилишини, клиникаси оғирроқ кечиши такидлашган. Сурункали қайталанувчи афтозли стоматит (СҚАС) билан оғриганларнинг аралаш сўлагида рН-муҳит кислотали томонга силжишини, маҳаллий иммунитет - сўлакдаги IgG ва IgA гуморал кўрсаткичи миқдори салбий силжишини такидлаган

Атроф муҳитни саноъат чиқиндилари билан ифлосланиши, нафакат инсон танасига тугридан-тугри тушади, балки атроф муҳитдаги усимлик ва мавжудотлар орқали ҳам тушишини катор муаллифлар [6, 11] уз илмий тадқиқотларида асослаб беришган; масалан, ўсимликнинг ер юзаси қисмида - пийёз баргларида – 0,527, сабзи баргида – 0,756, картошка барг ва шохчаларида 0,825, помидорда – 0,638 мг/кг симоб учраши кузатилган, ваҳоланки РЭМ – 0,01мг/кг. белгиланган, демак, РЭМ дан 10-25 марта кўп эканлиги маълум бўлди. Жонзотларда, хусусан, баъзи қуш ва чувалчанглар танасида – 6,72 мг/кг, сув балиғида – 1,50мг/кг, кўл қурбақасида – 1,79 мг/кг, қарғада – 0,697 мг/кг; товуқ танасида – 0,526 мг/кг ва кўйда – 0,66 мг/кг миқдорда симоб элементи кон атрофида яшайдиган ҳайвонлар танасига солиштирилганда 1000 баробардан кам учрашини такидлашган.

Полиметалл чанги ва сульфид ангидриди таъсирида ҳосил бўладиган патологик ўзгаришлар механизмини ўрганишда чанг тузилиши ва таркиби, тиш биоптати, тошлари, ишчилар сўлаги ҳамда тажрибадаги ҳайвонларнинг шу биосубстратларининг микроэлементар таркиби билан мос келиши кузатилди [1]. Оғиз бўшлиғига тушган чанг тўқималарга кириш хусусиятига эга бўлади, чунки у заррачаларни 5 мкм ҳам кичиклиги ва ўта майда дисперслилиги ҳамда сўлакда эрувчанлиги пародонтга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишига ёрдам беради. Милк биосубстратлари намуналаридаги микроэлементлар -Si, Al, Ca, Na, Fe, Mg, Се нинг топилиши бунинг тасдиғидир. Муаллиф томонидан комплекс профилактика чора-тадбирлари таклиф қилинган: - Меҳнат шароитни яхшилаш, ишчиларни иш жойи ҳавосида эндоэкологик омилларни, яъни, кимёвий моддаларни, зарарли метеоомилларни гигиеник меъёрга келтириш мақсадида рационал таклифлар киритилди, ўзига хос даволаш услублари ишлаб чиқилди ва амалиётда қўлланди; Собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2.10.79 йилда чиққан 29 рақамли буйруғига тоғ-кон металлургия корхоналари ишчилари ўртасида пайдо бўладиган стоматологик касбий касалликларни диспансер рўйхатига олиш ва улар устидан доимо назорат қилиб туриш банди киритилди; Режали равишда ишчилар оғиз бўшлиғини санация қилиш; тишларни даволаш, тишни олиб ташлашни камайтириш, тиш кариесини вақтида даволаш, пломба қўйишни такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш ва бошқалар; - Юқоридаги мис, рух, кўрғошин ишлаб чиқариш корхоналарида саломатлик пунктларини очиш, ортопедик ва бошқа даволаш пунктларини ташкил этиш масаласи ижобий ҳал этилди. Цех врач-стоматологи диспансер рўйхатида турган кишиларнинг тишларини протез қилишни йўлга қўйди.

Корхоналарда даволаш-профилактика ишлари сифатида; - профилактик чора-тадбирларга ўз вақтида саноат корхоналарида ишчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалликларни (касбий) диспансер рўйхатига тушириш ва назорат остига олиш; - саноат корхоналарида ишлайдиган ишчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, иш жойлари ҳавосида эндоэкологик кимёвий, физикавий ва биологик омилларни имконият даражасида миқдорини РЭМ гача камайтириш, ишчиларни махсус шахсий кийим-кечак, ҳимоя кўзойнаги, чангли, заҳарли газлар аниқланиладиган иш жойларида махсус респираторлардан фойдаланишни таъминлаш; - ишчиларни рационал овқатлантириш, иложи борича етарли қувват берувчи овқатланишни ташкил қилиш, яъни витаминлар, микроэлементлар, оксиллар, ёғлар ва корбонсувларга бой овқаланишни таъминлаш; - оғиз бўшлиғи гигиенаси қоидаларини бажаришни ишчилардан талаб қилиш, белгиланган махсус пасталардан фойдаланиш, милкларни уқалаш, тиш тошларни ўз вақтида олиш, фтор ушловчи воситалардан фойдаланиш, глюканат калций, кальцийли,

фосфорли ва бошқа микро элементлар билан бойитилган таблеткалардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади; - тиш қаторларидаги нуқсонларни сунъий тиш протезлари билан тўлдириш ва бошқа профилактик тадбирлар ҳам аҳамиятлидир деб такидлашган [8, 10].

Хулоса. Дунё мамлакатларида экологик муаммоларни жадал суръатлар билан ўзгараётганидан халқларни ташвишга тушиши охир-оқибатда “Иоханнесбург-2002” глобал форумини чақирилишига, барча мамлакатларнинг XXI асрдаги ҳаракатлари дастури сифатида белгиланган “XXI аср тараққиёт дастури”нинг тасдиқланишга сабаб бўлди. Мазкур дастур –жаҳонда дастур амалиётининг жорий эҳтиёжларини қондириш ва бўлажак авлодлар манфаатларини таъминлашни ҳисобга олиб, атроф-муҳит учун беҳатар барқарор тараққиётни таъминлашга йўналтирилган тарихий ҳужжат бўлиб қолди.

Давлатимизнинг олиб бораётган сиёсатида, инсон саломатлигини сақлаш ҳамма вазифалардан устун қўйилади. Ҳаммамизга маълумки, саломатликка таъсир этувчи омиллар сон-саноксиз, аммо узоқ ва ширин ҳаёт кечиришнинг биринчи асосий шарти - бу соғлиқ. Биргина тиш оғриши инсонни тинчини бузиши, ишига унумсизлик ва кайфиятига салбий таъсирини ҳарбир инсон ўз бошидан кечирган. Инсон оғзидаги аъзо ва тўқималарнинг ҳолати, бутун тана аъзо ва тўқималарининг акси- кўзгуси вазифасини ўташини халққа етказиш биз тиббиёт ходимларининг, айниқса стоматолог мутахассислар ва экологларнинг муҳим вазифамиз эканлигини чуқур англашимиз зарур.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай касалликнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини сақлаш эколого-гигиеник, санитария тадбирларини инсон томонидан бажарилишини тақозо қилади. Инсонни ўраб турган атроф-табiiй муҳит объектларининг экогигиеник ва санитария ҳолати кониқарли бўлишини таъминлаш:

- аҳоли турар жойларини, тупроқ, сув ва сув ҳавзаларини, атмосфера ҳавосини экзоэндоекологик ифлосланишлардан асраш;

- аҳолини, саноат корхоналаридаги иш жойлари ҳавосини, асбоб-ускуналари ва жиҳозларини эндоэкологик омиллар билан ифлосланишини олдини олиш;

- ёш болаларни, ўқувчиларни, спорт билан шуғулланувчиларни, олий ва ўрта махсус ўқув масканлари талабаларини ўз вазифаларини бажарадиган жойларининг муҳитини, яъни ўқув хоналарини, спорт залларини, сув спорти мажмуаларини гигиеник талаблар асосида меъёрда ушлаб туриш, озодалик ва покизаликни сақлаш, улардаги микроиклим шароитларини ҳам меъёрда ушлаб турилишини таъминлаш;

- ёшларнинг ишлаши, ўқиши, тарбия ва таълим олиши, бошқа соҳаларга банд бўлишидан катъий назар улар организмини ташқи, ички табиий муҳит омилларининг таъсирига қарши чиниктиришлари учун шароитлар яратиш;
- аҳолининг экологик, гигиеник ва санитария соҳасидаги билимларини оширишни таъминлаш;
- экологик маданият ва манавият тушунчасини инсонларга сингдириш;
- кимки организмнинг барча орган ва тизимларининг фаолиятинибир меъёрда сақламоқчи бўлса, организмга 90 та озуқа кўшимчаларини истъемол қилмоқларини таъминлашлари шарт (Док. Уоллок., Америка 1991йил) каби масалаларни қамраб олади.

Республикамизда ишлаб ижод қилаётган қатор стоматология соҳаси олимлари ва амалийврачлар олиб борган илмий изланишлари натижасида шу нарса маълум бўлдики, саноат корхоналари жойлашган ва экологик ноқулай ҳудудларда умумий касалликлардан ташқари, минг афсуски, оғиз бўшлиғи қаттиқ ва юмшоқ тўқимасида қатор хасталиклар борлиги ташвишлидир. Сурхондарё вилоятига Тожикистондаги Алюмин заводининг атмосферага ташлаётган газ ва чанглари табиий муҳит ҳудудларини ифлослантириб, одамларга ва қишлоқ хўжалиги тармоқларига салбий таъсир кўрсатаётганини энг катта экологик фожиалардан бири сифатида келтириш мумкин.

Саноат корхоналари зич жойлашган ҳудудларнинг нафақат атроф-муҳитни ифлосланиши, ҳатто одамлар ўртасида астмоид бронхит, ринит, сурункали ўпка касалликлари, меда яраси, ҳомиладор аёлларнинг умумий касалликлари ва оғиз бўшлиғи қаттиқ ва юмшоқ тўқималарининг касалликларига кўплаб сабаб бўлаётганлиги, бевосита экзоекологик омилларнинг салбий таъсири оқибатидир.

Кимё саноати корхоналари цехлари ҳавоси таркибининг бузилганлиги кўп жиҳатдан оғиз бўшлиғи органларининг, жағ суюқликлари касалликларининг кўп учрашига сабаб бўлмоқда. Ҳомиладор аёлларда учрайдиган камқонлик ва бир вақтда улардаги стоматологик ҳолатнинг яхши эмаслиги, афсуски, кўплаб учрамоқда.

Хулоса қилганда, хоҳ турар жойларнинг экологик ҳолати, хоҳ саноат корхоналари цехларининг ҳавосини эндоэкологик омиллар; кимёвий, биологик ва физик таъсиротларнинг меъёрдан ортиқлиги аҳоли орасида стоматологик касалликларнинг кўпайишига асосий сабаб бўлмоқда.

Корхоналарда ишлаётган врач-стоматологлар асосий эътиборларини профилактик чора-тадбирларни бажаришга қаратишди. Корхона раҳбариятига оғзидаги сўлак таркибини кислотали, ишқорли мутаносиблигини сақлаш учун оғиз бўшлиғини минерал сувлар билан доимо чайқаб турилишини таъминлаш зарурлиги тушунтирилди.

Энг кераклиги - ишчиларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиб, вақтида оғиз бўшлиғи касалликларини аниқлаш ва рўйхатга олиб тезроқ даволаш масаласига эътибор бериш вазифаси стоматологлар ва корхона бошлиқларини зиммасида эканлиги тушунтирилди.

Инсон ўз ҳаёт тарзини оқилона ташкил этиш орқали соғлигини асраган тақдирдагина табиатни, ҳаётнинг давомийлигини таъминлаган ва Республикамизнинг барқарор ривожланишига ўз хиссасини қўшган бўлади. Бу жараёнларни таъминлашда киши маънавий, маданий, руҳий тайёргарлик билан бир қаторда, унда соғлом мулоҳазалар, интилиш, фикрлаш ҳолатлари теран ва маъноли бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдазимов А.Д. “Профилактика и лечение стоматологических заболеваний рабочих подвергающих и комбинированному воздействию полиметаллической пыли и токсических веществ”. Автореф. Доктор. Диссертации. Л. 1998 год.

2. Гаффоров С.А., Рузуддинов Н.С.¹, Рузуддинов С.³, Шаяхметова М.К.⁴, Рузденова А.С.. Усовершенствованная методика коррекции десневого края базиса съёмных протезов при частичном отсутствии зубов. IDMFSS “Integrative dentistry and maxillofacial surgery», «Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия». 5-10 стр. ТОМ 1 • ВЫПУСК 1 • 2022. ISSN 2181-3574 <https://idmfs.scinnovations.uz>

3. Гаффоров С.А. “Профилактика стоматологических, заболеваний у работников текстильного производства”. Автореферат канд. диссерт. Т.1999 год.

4. Гаффоров С.А., Олимов С.Ш., Идиев Г.Э. Характерные заболевания слизистой оболочки полости рта встречающиеся у рабочих Мубаракского газоконденсатного завода. Журнал «Теоретической и клинической медицины» №1. С.123-125. Ташкент-2007.

5. Гаффоров С. А., Ибрагимова Ф.И. Клинико-биохимическое обоснование течения и лечения заболеваний тканей пародонта и слизистой оболочки полости рта у рабочих производства синтетических моющих и чистящих средств. «Медицинский журнал Узбекистана». №4. 45-50 с. 2019. Ташкент.

6. Гаффоров С. А., Атабаев Ш.Т., Олимов С.Ш. Экологическая стабильность, стоматология и здоровье человека. Ekological stability, dentistry and human health. На 3-х языках (узбекские, русские и английские). Руководства для педагогов,

медиков, экологов, клиничес.ординаторов ВУЗов. Редакция «Академнашр» 330 с Ташкент-2014.

7. Гаффоров С. А., Назаров У.К., Хен Д.Н., Фазилбекова Г.А. Общие и местные изменения организма, стоматологического и иммуногенетического характера при недифференцированной дисплазии соединительной ткани. Российский стоматологический журнал. 2022. Т. 26, № 1. С. 5–14. DOI: <https://doi.org/10.17816/1728-2802-2022-26-1-5-14>.

8. Гаффоров С.А., Агзамхужаев С.С. Состояние функциональных показателей тканей полости рта у рабочих химической промышленности Ферганы. «Российский стоматологический журнал». №1. С.39-41. Россия-2004.

9. Гаффоров С.А. Особенности минерального состава твердых тканей зубов у рабочих Ферганского завода химического волокна. «Российский стоматологический журнал». №1. – С.47-48. Россия-2004.

10. Гафаров С. А. Оценка состояния полости рта и методы профилактики заболеваний у рабочих Муборакского газоперерабатывающего завода //Журн. теорет. и клин. мед. – 2006. – №. 2. – С. 53-55.

11. Жуматов У. “Стоматологический статус у детей в экологически неблагоприятных районах Узбекистана и разработка лечебно-профилактических мероприятий”. Автореф. доктор. Диссер. Тошкент. 1994 йил.

12. Идиев Г.Э. “Состояние полости рта у работников ПО “Навоийазот””. автор. Канд. Диссертац. 2003 йил.

13. Новиков, С.М. Критерии оценки риска при кратковременных воздействиях химических веществ/ С.М. Новиков, Т.А. Шашина, Н.С. Скворцова // Гигиена и санитария.- 2001.-№5.-С.87-90.

14. Рабинович, И.М, Изучение заболеваний слизистой оболочки рта и разработка мероприятий по их предупреждению- у работников фосфорного-производства/ И.М. Рабинович, И!Д. Сулейманова, А.В. Алимский // Новое в стоматологии. 2001. - № 9 - С. 79-80.

15. Хасанов Р.А., Салыхова Г. А. Оценка комплексного влияния производственной и окружающей среды на состояние полости рта работающих в контакте с ртутью // Российский стоматологический журнал.-2002 №2.- С.13-15

16. Яблокова Н.А. Оценка состояния органов полости рта у населения, проживающего в районах, подвергшихся радиационному загрязнению // Автореф.дис.канд.мед.наук.- Москва 2003.- 18с.

17. Патент. ҚР. 12.09.2022 йил. №7565 сонли фойдали модел. Гаффоров С.А, Рузуддинов Н.С.

18. Gafforov. S.A., Nazarov U. K. Functional, structural and morphological state of tissues and organs of the oral cavity in people employed in mining and metallurgical factories. Test Engineering and management. March-April 2020, C. 667-675

19. Gafforov S.A., Pulatova R. S. Comparative estimates of the morphological structure of the surface of removable dentures made of different materials for the replacement of dentition defects. «Science and innovation» xalqaro ilmiy jurnali Volume 2 Issue 12. 2023.

20. Forabosco A., Spinato S., Grandi T., Prini M. A comparative study between different techniques in non-surgical periodontal treatment // Minerva Stomatol — 2006.- № 55,- P.289-296.

21. Walmsley A.D., Lea S.C., Landini G., Moses A.J. Advances in power driven pocket/root instrumentation // J Clin Periodontal 2008 - №35.- P.22-28.